

Тазкия дарслари (205-дарс) Валиюллоҳ Деҳлавий наздида тавҳиднинг даражалари

ТАЗКИЯ
205-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур»,
«Рухий тарбия» 1-2-3-жузи
ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи
китоблари асосида бериб борилади.
Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун
китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



20:00 / 21.11.2022 1751

Тавҳиднинг даражаси тўрттадир:

Биринчиси: Мавжудликнинг вожиблигини фақат Аллоҳ таолога боғлаш.
Бас, Ундан ўзганинг вужуди вожиб бўлмас. Бунга Аллоҳ таолонинг
қуйидаги сўзи далолат қилади:

مَالُهُ، نَوْمٌ وَلَا سِنَّةٌ تَأْخُذُهُ، لَا الْقَيُّومُ الْحَيُّ هُوَ إِلَّا إِلَهٌ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

إِلَّا عِنْدَهُ يَشْفَعُ الَّذِي ذَا مَنْ الْأَرْضِ فِي وَمَا السَّمَوَاتِ فِي

بَشَىءٍ يُحِيطُونَ وَلَا خَلْفَهُمْ وَمَا أَيَّدِيهِمْ بَيْنَ مَا يَعْلَمُ بِإِذْنِهِ

وَلَا وَالْأَرْضَ وَالسَّمَوَاتِ كُرْسِيِّهِ وَسِعَ شَاءَ بِمَا إِلَّا عِلْمِهِ مِّنْ

الْعَظِيمِ الْعَلِيِّ وَهُوَ حِفْظُهُمَا يُؤَدِّهِ

«Аллоҳ - Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Ҳайй ва Қойюмдир» (Бақара сураси, 255-оят).

Иккинчиси: Аршни, осмонлару ерни ва бошқа барча мавжудотларни халқ қилишни, яъни яратишни фақат Аллоҳ таолога боғлашдир. Бунга Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи далолат қилади:

وَكَيْلٌ شَىءٍ كُلِّ عَلَى وَهُوَ شَىءٍ كُلِّ خَلِيقُ اللَّهِ

«Аллоҳ ҳар бир нарсанинг яратувчисидир. Ва У ҳар бир нарсага вакилдир» (Зумар сураси, 62-оят).

Ушбу икки даража ҳақида илоҳий китоблар ҳам, араб мушриклари ҳам баҳс юритмаган. Яҳудий ва насоролар бу икки сифатга хилоф қилмаганлар. Балки Қуръон бу нарсаларнинг улар наздида мусаллам нарсалардан эканини очиқ айтган.

Учинчиси: Осмонлару ернинг ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг тадбирини фақат Аллоҳга боғлаш. Яъни ҳамма оламнинг тадбирини фақат Аллоҳ қилади, деб эътиқод қилиш. Бунга Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи далолат қилади:

سِتَّةَ فِي وَالْأَرْضِ السَّمَوَاتِ خَلَقَ الَّذِي اللَّهُ رَبَّكُمْ إِنِّ

حَيْثَا يَطْلُبُهُ، النَّهَارَ الْيَلَّ يَغْشَى الْعَرْشِ عَلَى أَسْتَوَى ثُمَّ أَيَّامِ

الْخَلْقُ لَهُ الْأَ بِأَمْرِهِ مَسْخَرَاتِ وَالنُّجُومَ وَالْقَمَرَ وَالشَّمْسَ

الْعَالَمِينَ رَبُّ اللَّهُ تَبَارَكَ وَالْأَمْرُ ﴿٥٤﴾

«Огоҳ бўлинг, яратиш ва амру тадбир Унинг Ўзига хосдир» (Аъроф сураси, 54-оят).

Яъни, Аллоҳ таоло борлиқдаги ҳамма нарсани яратганидек, Унинг Ўзи уларга амр қилади, қайтаради ва ишларини тузиш жиҳатидан ҳам, шариатга киритиш жиҳатидан ҳам тадбирини қилади. Яна Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

كَانَ يَوْمٍ فِي إِلَيْهِ يَعْجُرُ ثُمَّ الْأَرْضِ إِلَى السَّمَاءِ مِنَ الْأَمْرِ يُدَبِّرُ

تَعُدُّونَ مِمَّا سَنَةِ أَلْفِ مِقْدَارِهِ

«У Зот осмондан ергача - барча ишнинг тадбирини қилур» (Сажда сураси, 5-оят).

Борлиқнинг барча иши Аллоҳ таолонинг қўлидадир. У Зот оламдаги ҳеч бир нарсанинг тадбирини Ўз халқидан бирортасига - анбиёларга ҳам, расулларга ҳам, авлиёларга ҳам, қутбларга, абдол ва ғавсларга ҳам, имомлару фаришта ва жинларга ҳам топширмаган.

Тўртинчиси: Албатта, Ундан ўзга ҳеч ким ибодатга сазовор эмас. Бунга қуйидаги оятлар далолат қилади:

وَالْمُؤْمِنِينَ لَدُنْكَ وَاسْتَغْفِرَ اللَّهُ إِلَّا إِلَهَ لَا أَنَّهُ، فَأَعْلَمَ

﴿١٩﴾ وَمَثُونَكُمْ مُتَقَلِّبَكُمْ يَعْلَمُ وَاللَّهُ وَالْمُؤْمِنَاتِ

«Бас, билгин: албатта, Аллохдан ўзга илоҳ йўқ» (Муҳаммад сураси, 19-оят).

﴿١٦٣﴾ الرَّحِيمِ الرَّحْمَنُ هُوَ إِلَّا إِلَهَ لَا وَاحِدٌ إِلَهٌ وَاللَّهُمَّ

«Ундан ўзга илоҳ йўқ. У ўта меҳрибондир, ўта раҳмлидир» (Бақара сураси, 163-оят).

مَالَهُ نَوْمٌ وَلَا سِنَّةٌ تَأْخُذُهُ، لَا الْقِيَوْمُ الْحَيُّ هُوَ إِلَّا إِلَهٌ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

إِلَّا عِنْدَهُ يَشْفَعُ الَّذِي ذَا مَنْ الْأَرْضِ فِي وَمَا السَّمَوَاتِ فِي

بِشَيْءٍ يُحِيطُونَ وَلَا خَلْفَهُمْ وَمَا أَيْدِيهِمْ بَيْنَ مَا يَعْلَمُ بِإِذْنِهِ

وَلَا وَالْأَرْضِ السَّمَوَاتِ كُرْسِيِّهِ وَسِعَ شَاءَ بِمَا إِلَّا عِلْمِهِ مِّنْ

الْعَظِيمُ الْعَلِيُّ وَهُوَ حَفِظَهُمَا يُؤَدُّهُ

«Аллоҳ - Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Ҳайй ва Қойюмдир» (Бақара сураси, 255-оят).

Бунга ўхшаш оятлар кўп. Ушбу икки даража бир-бири билан табиий равишда боғлиқдир. Чунки оламнинг ҳаммасининг тадбирини фақат Аллоҳ таолога боғлаш У Зотнинг ибодатга ҳақдор, бошқанинг ҳақдор эмаслигига

далилдир. Уларнинг орасидаги алоқа далил ва ҳукм алоқасидир.

Мушрик фирқаларнинг ихтилофи ушбу икки даражада бўлгани учун ҳам Қуръони Карим ўша икки даражани исбот қилишга, ораларидаги табиий боғланишни алоҳида кўрсатишга катта аҳамият берган. Шунингдек, уларнинг шубҳаларига қониқарли раддиялар қилган («Ҳужжатуллоҳил Болиға», 1-жуз, 123-бет).

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди